

Ўтмишда тараккий этган дунёнинг катта қисмини босиб олган магрур Рим ер юзидаги или буюк империяга айланди. Айтилишича, 2 минг йил илгари Мангу шаҳар ва Рим империясига қарам бўлган қадимги дунёнинг иатта қисмини бир кун мобайнида... маймун бошқарган! Ҳозирги кўплаб тарихчилар бир овозда ишонч билан таъкидлашмоқда: бир пайтлар Римни бошқарган, ўзининг шафқатсизлиги билан шухрат қозонган император Калигула бир қатор тузалмас рухий касалликлардан азоб чеккан ва вақти келганда умуман ўзини идора қилолмай қолган. Легионер-аскарлар сафида улгайган (унинг Калигула лақаби — «аскарларнинг оғир этиги» маъносини англатади) бўлажак император бошқалардан хайвонларга хос ваҳшийлиги, ўзининг гайритабиий хатти-харакатлари ва булар билан галати ҳолда уйғунлашган тулкиларча айёрлиги билан яққол ажралиб турган. Ҳозирги кунгача унинг ўнлаб хайкаллари-ю, портретлари етиб келган. Унинг чиройли кўзлари, кичик юз тузилишига қараб туриб юқорида бу одам ҳақида айтилган барча таърифларга ишониш қийин. Агар уни эстрада оламига шўнгитиб, телевидение орқали реклама қилишса, замонамиз аёллари ҳақли равишда Кали-гулани энг хушсурат эркак дея тан олган бўлишарди. Замонамизнинг кўплаб сиёсий арбоблари ёқимли юз тузилиши ва бир сўзлилиқда унга ҳавас қилса арзийди. Лек Калигуланинг рухий соғлиги ҳақидаги баҳсни тарихчилар билан рухшуносларга қолдирамиз. Яқшиси, Қадимги Римда рўй берган мўъжиза ҳақидаги афсонага эътиборимизни қаратамиз. Машҳур тарихчи Плутарх ўз асарларида бу гаройиб ҳодисанинг аниқ вақтини ҳам қўрсатиб ўтган: 3 март санаси!

Тўрт йил мобайнида катта империя ва Мангу шаҳарни бошқариш мобайнида Калигула кўплаб аҳмоқона ва ваҳшиёна ишларга қўл урди. Масалан, ҳаммага маълумки, у ўзининг отини сенатор деб эълон қилди ва унга ҳақиқий сенаторга қаби иззат-икром қўрсатишларини талаб этди. Сенатор от хатто бир неча бор сенат йигилишларида иштирок этганлиги тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган. Бирокўша қуни, яъни 3 март санасида Калигула ақл бовар қилмайдиган яна бир ишга қўл урди. Импера тор сенатга ўзининг Ремус лақабли маймуни билан кириб келди Маймун сакрар ўмбалок ошар, афтини бужмайтириб, одамларга тишини қўрсатарди. Нима бўлса ҳам маймун маймун-да. Сенаторлар ҳукмдорга таъзим бажо келтирганча ўринларидан туришди. Бунга жавобан Калигула хўмрайганча, эринчокпик билан қўлини силқиб қўйди. Буни ижозат маъносида тушунган сенаторлар ўринларига жойлашишди. Калигула сенатдаги император учун ажратилган махсус ўриндик ёнида тўхтагач, бор овозда шундай деди: — Ҳаммаси, ҳа, ҳаммаси жонга тегиб кетди! Чин сўзим! Римни бошқариш ҳалқумимга келди. Нима учундир магрур дея номланувчи Рим ва империяни бошқариш — ўта зери-қарли машгулотдир. Магрур эмиш. Унинг магрурлиги нимадан иборат?! Бундай пайтда каттиқрок нафас олиши билан ҳам баджаҳл ҳукмдор эътиборига тушиши ва кўп ўтмай жаллод қаршисида пайдо бўлишини яқши тушуниб турган сенаторлар сукут саклашни энг маъқул йўл деб топишди.

— Бундай Римни ҳар ким бошқара олади, — бироз тин олган Калигула бақиришда давом этди ва қутилмаганда император ўз ўрнига маймунини ўтказди. — Айтайлик, мана бу. Бизнинг империя учун муносиб шахс! Яшасин, император Ремус II! Хўш, нега жимсизлар, янги ҳукмдорни олқишланглар!

Сенаторлар хайратга тушганча жойларида тахтадек қотишди: Рим ва бутун империяни маймун бошқарадими?! Қизик, гаройиб, тушуниш қийин, лекин «император Ремус I»

хакикатан ҳам Рим ва империяни бир кун мобайнида бошкарди! Энг хайратланарлиси шундаки, Калигула сўзларининг барчаси аччиқ хакикатга айланди: Ремус ўзига хакикий император томонидан юклатилган мажбуриятларни аъло даражада бажарди. Сенат итоаткорл ик билан навбатдаги хўрликка чидаганча маймун бошчилигидаги мажлисга тўпланди. Ремус I конунларни маъкуллади, жиноятчиларга ҳукм чиқарди ва бошқа муҳим ишларни ҳал қилди. Қанчалиқ галати бўлмасин, четдан Караганда баъзан у ақлга таяниб ҳаракат қилаётгандек кўринарди. Кейин Ремус I ни олтин суви юргизилган аравада қуролланган кўрикчилар ҳамроҳлигида Колизейдаги император ўриндигига олиб боришди. Ва император-маймун гладиаторлар жангини томоша қила туриб худди хакикий ҳукмдордек жангчига ҳаётини совға қилиб ёхуд уни ўлимга маҳкум этганча бош бармогини кўтарар ё туширарди. Яна бир галати ҳолат. Эртаси қуни Калигула ўзини худди кеча ҳеч нарса бўлмагандек тутди. Балки ҳукмдор эс-ҳушини йигиб олгандир? У яна ҳокимиятни ўз қўлига олди, бир кун Римни бошқарган маймун изсиз йўқолди. Маймуннинг тахтда ўтирганлигини исботловчи кўплаб тарихий далиллар мавжуд. Айтиш жоизки, римликлар Ремус I бор-йўғи бир кун давлатни бошқарганидан афсусланишди. Лекин улар бир кун бўлса-да, ўта ваҳший ва ўзига ҳос феъл-атвор соҳиби Калигуланинг тентакликларидан тин олишди.

### КАЙГУЛИ ХАЗИЛНИНГ ДАВОМИ

Ремус I чиндан ҳам Римни бошқарганми? Бу савол азалдан тарихчиларга тинчлик бермай келмоқда. Рим ҳамда буюқ империяни маймун бошқарганлиги хақидаги афсона кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Унга бировлар ишонди, бировлар эса йўқ... Кўпчиликнинг фикрича, бу Қадимги Римда одоб ва ахлоқ меъёрларининг бузилганини ўзга халқларга кўрсатиб қўйиш мақсадида насронийлар томонидан ўйлаб топилган масалдир. Лекин Ремус хақидаги мўъжизада бир тўхтамга кела олишмади. Шу боис аксарият олимлар охири-оқибат маймун ҳеч ҳам император вазифасини бажара олмайди, деган тўхтамга келишди. Бирок миланлик археолог Эмилио Ланчини уларга қарши чиқди. — Арқонни жуда олисга ташлаясиз, ҳамқасб, — эътироз билдиришди олимлар. — Тўғри, Калигула отини сенаторга айлантирган. Лекин маймунни императорга айлантириш... Бу ишни галати Калигула ҳам амалга ошира олмасди!.. Одамлар хотирасида из қолдирган тарихий шахслар хақида кўплаб афсоналар, ҳикоялар, латифалар тўқилади. Калигула эса ўзидан қонли бўлса-да, из қолдирган. Аммо қанча мўъжиза ва афсоналарга эмас, ҳужжатлару далилларга ишонишга одатланиб қолган. Ҳақлигини исботламоқчи бўлган Ланчини кўплаб ҳужжатларни ўрганиб чиқди ва Плутон гувоҳлиги билан бирга бу воқеа ҳикоя қилинган римликларнинг номаларини топди. Лекин бу хатларнинг аксарият қисмида антиқа ҳодиса хақида қуйидаги иборалар эса олинган-ди: «Айтишларича, Римда...» ёки «Савдогарларнинг ҳикоя қилишича...», «Қариндошимизнинг ёзишича»...

Албатта бу «Ремус хақидаги мўъжиза»га исбот бўла олмасди. Шунда Ланчини Қадимги Римнинг кўплаб императорлари дафн этилган сағаналарда қазиш ишларини олиб боришга руҳсатнома олди. Маданият вазирлигида археологдан совуқ оҳангда сўрашди:

— У ердан нима топмокчисиз?

— Римни чиндан ҳам маймун бошкарганини исботламокчиман, — жавоб берди олим.

—Ахир Калигула ўз ахмокликлари билан шухрат қозонган-ку!

Кўп ўтмай, Ланчини ишга шўнгиди ва казиш ишлари узок вақт давом этди. Олимнинг умидлари сўна бошлаганда ишчилар саганалардан бирида галати жасадга дуч келишди. Бу унчалик йирик бўлмаган маймуннинг мўмиёланган танаси эди! У магрур Римнинг буюк ҳукмдорлари саганалари билан ёнма-ён ётарди! Жасад ёнидан давлат тамгаси билан қумуш парчасини топишди. Қумушга «Император Ремус I га шон-шарафлар бўлсин!» деган ёзувлар ўйиб ёзилганди. Ҳаммаси ўз ўрнига тушди. Маймуннинг нега гойиб бўлганлигига ҳам ойдинлик киритилди. Калигула ўзининг қайгули ҳазилини ниҳоясига етказишга қарор қилган ва севимли маймунини буюк императорлар ёнига дафн эттирган.

С.АЛИКУЛОВ.